ISSN: 2582-4686 SJIF 2021-3.261,SJIF 2022-2.889,
2024-6.875 ResearchBib IF: 9.948 / 2024

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-5, ISSUE-8

УДК 625.62; 635.527.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА БОШЛИ ВА БАРГЛИ САЛАТНИНГ ҚИШ ОЛДИДАН ЭКИШ ВА УЛАРНИ МАРФО-БИОЛОГИК БАХОЛАШ

Предзимний посев головок и листового салата в условиях Андижанской области и их морфо-биологическая оценка

Pre-winter sowing of head and leaf lettuce and their morpho-biological assessment in the conditions of the Andijan region

Набиева Мохинур Фазлиддин қизи
АҚХАИ магистранти

Annotatsiya: Андижон вилояти шароитида салат ўсимлиги уч йил давомида (2024-2024 йй.) Совуққа чидамлилиги, тезпишарлиги, ҳосилдорлиги, касалликларга чидамлилигининг ўзига хослиги бўйича баргли ва бошли салат ўсимлигининг Ramcec, Bottner, Great Lakes, Крупнокочаный, Ostinata навларининг хўжалик белгилари ўрганиш бўйича ўтказилган тажрибалар натижасида. Ушбу намуналар қиш олдидан экишда, шунингдек Ўзбекистон шароитида селекция ишларида салат нав намуналари учун бошланғич материал бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Аннотатция В условиях Андижанской области в течение трех лет (2022-2024 гг.) В результате проведенных опытов по изучению хозяйственных признаков сортов листового и головчатого салата Рамсес, Боттнер, Great Lakes, Крупнокочаный, Остината по морозостойкости, скороспелости, урожайности, специфичности устойчивости к болезням. Эти образцы могут служить исходным материалом для сортообразцов салата при предпозимней посадке, а также в селекционной работе в условиях Узбекистана.

Annotation In the conditions of the Andijan region, the lettuce plant has been growing for three years (2022-2024). As a result of experiments conducted on the study of economic traits of the Ramses, Bottner, Great Lakes, Krupnokochaniy, Ostinata varieties of leafy and head lettuce plants in terms of frost resistance, early maturity, yield, and disease resistance. These samples can serve as starting material for lettuce variety samples during pre-winter planting, as well as in breeding work in the conditions of Uzbekistan.

Калит сўзлар: Ramcec, Bottner, Great Lakes, Крупнокочаный, Ostinata, тезпишарлиги, ҳосилдорлиги, селекция

Ключевые слова: Ramses, Bottner, Great Lakes, Krupnokochaniy, Ostinata, скороспелость, урожайность, селекция

Keywords: Ramses, Bottner, Great Lakes, Krupnokochaniy, Ostinata, early maturity, yield, breeding

Кириш. Ўзбекистоннинг яхши иқлим шароитларида суъний суғориш йўли билан турли хил сабзавот экинлари ўстирилади ва юқори хосил олинади. Кўпгина сабзавот экинлари қаторида салат ўсимлигини ҳам аҳамияти катта, лекин республикамизда сабзавот экинлари қаторида салат ўсимлигига бўлган эътибор орқада қолмоқда. Шуни инобатга олган холда сабзавот экинларининг касалликларга чидамли, мўл ҳосил берадиган, озиқлик ва технологик сифатлари

ISSN: 2582-4686 SJIF 2021-3.261,SJIF 2022-2.889,
2024-6.875 ResearchBib IF: 9.948 / 2024

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-5, ISSUE-8

қимматли бўлган ва шу билан бирга ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига экологик жихатдан мослаша оладиган навларини етиштириш ва жорий этиш жуда мухимдир.

Жуда кўп мамлакатларда Европада, Америкада ва Осиёда доимий равишда бошқа сабзавотлар сингари салат ўсимлиги ҳам истеъмол қилинади . Салат ўсимлиги пархез таом бўлиб, совуққа чидамли, тезпишар, кам харажат, бошқа сабзавотлар хали истеъмолга чиқмасдан туриб, 2-3 марта янги кўк масса холида ҳосил беради, юқори сифатли ва кам чиқимлилиги билан кўп мамлакатларда ишлаб чиқаришда тадбиқ этилган .

Асосий камчилиги ўзимизнинг махаллий навимиз йўқлиги, халқимиз бу ўсимликни истеъмол қилишга одатланмаганлиги, кам тарқалганлиги, тарғибот қилинмаганлиги сабабли салат ўсимлиги кенг ёйилмаган. Ўзбекистон шароитида, очиқ майдонларда арзон ва эртаки кўкат экинлари етиштириш мумкин. Таркибида биологик актив моддалар ва витаминлар кўп бўлишлиги билан, иссиқхоналарда етиштирилганларга нисбатан афвзалроқ булади. Бунинг учун албатта совуққа чидамли навлар танлаш ҳамда уларни етиштириш технологиясини билиш керак.

Материал ва услублар.Андижон вилояти шароитларида очиқ далада юқори ҳосил олиш ва салат навларининг селекцияси учун бошланғич манбаларни ажратиш мақсадида ЎзЎИТИдан олинган 12 та мамлакатнинг 42 та коллекция нав наъмуналари ўрганилди. Уларнинг уруғлари 30 ноябрда очиқ далага 1,5-2,0 см. чуқурликда экилди ва устини чиринди қоришмаси ҳамда ёғоч қириндилари билан аралаштирилиб қоплама қилиб сепилди. Тажриба уч хил вариантларда 4 та қайтариқда, қатор оралари 70 см, ўсимликлар ораси 15х15х15 схемада, пушталарда икки қатор қилиб жойлаштирилди. Қишдан кейин феврал ойида ўсимликлар биринчи чинг барг чиқаргандан сўнг биринчи ягона қилинди. Кузатувлар тажриба далаларида салат коллекциясини ўрганиш ВИР услублари бўйича ўтказилди.

Натижалар: Бизнинг тажрибаларимиз шуни кўрсатдики, уч йиллик тажрибадан сўнг совуққа чидамлилиги бўйича 7 та нав к-1425 Winter Lake Австралиядан, к-1216 Рамсес Германиядан, к-1158 Bottner , к-1647 Ostinata Голландиядан, к-1237 Lepperman , к-1322 Great Lakes Канададан ва к-405 Grand Rapids АҚШдан намуналар ажратилди.

Шундай қилиб Фарғона водийси шароитида коллекция нав намуналари ўрганилган ва қимматли белгилари бўйича истиқболли нав намуналари ажратиб олинди: совуққа чидамли (4,5 балл) Рамсес ва Bottner нав наъмуналари,: тезпишарлиги (уруғ унгандан етилгунга қадар 30-38 кун) Рамсес, Bottner, Ostinata нав наъмуналари . Салат бошини узоқроқ сақланиш даври буйича (14-17 кун) Grand Rapids, Ostinata, Great Lakes нав наъмуналари ; йирик ва зич салат бошлар буйича (242,0-250,0 г) Grand Rapids, Great Lakes ва Рамсес нав наъмуналари; сариқ замбуруғли касаллигига чидамли – Lepperman нав наъмунаси ва юқори ҳосилдорлик бўйича (2,34-2,90 кг/ м2) - Winter Lake, Рамсес , Ostinata, Great Lakes ва Grand Rapids нав наъмуналари. Ўрганилган комплекс белгилар бўйича энг яхши намуналар деб: Рамсес, Bottner ва Great Lakes ҳисобланди. Ушбу намуналар Ўзбекистон шароитида қиш олдидан экиш учун салат навларини селекция ишлари учун бошланғич материал бўлиб хизмат қила олиши мумкин.

Андижон вилояти шароитида четдан келтирилган салат ўсимлигининг қиш олдидан экиш ва уларни хўжалик-биологик бахолаш

ISSN: 2582-4686 SJIF 2021-3.261,SJIF 2022-2.889,
2024-6.875 ResearchBib IF: 9.948 / 2024

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-5, ISSUE-8

Нав наъмуналари	№ каталог	Келиб чиқиши	Қишга чидамлилиги балл	Униб чиққандан истеъмол қилгунча кун	Салат бош оғирлиги , г	Салат бош зичлиги балл	Лактуцин моддаси балл	Сариқ чириш касаллиги билан зарарланиш балл	Ҳосилдорлик кг\м^2
Крупнокочаный	ст.	Россия	3,0	40	205,0	3,0	3,0	0,5	1,87
Winter Lake	К-1425	Австралия	4,0	46	215,0	4,0	3,5	1,0	2,34
Рамсес	К-1216	Германия	4,5	30	243,0	4,0	2,0	0,5	2,74
Bottner	К-1158	Германия	4,5	32	230,0	4,0	2,0	1,0	2,68
Ostinata	К-1647	Голландия	4,0	38	230,0	4,5	2,0	1,0	2,42
Lepperman	К-1237	Дания	3,0	40	100,0	3,0	1,5	0,0	1,15
Great Lakes	К-1322	Канада	4,0	42	250,0	4,5	3,0	2,5	2,90
Grand Rapids	К-405	США	4,0	44	242,0	4,0	2,0	2,0	2,82

Ўсимликни униб чиқиши об-ҳавога, иқлимга боғлиқ, салат ўсимлиги об-ҳаво яхши келган йиллари январ ойининг охири, феврал ойининг бошларида униб чиқади. Салатни ёш ниҳолларини қисқа муддатли 6-8 C^0 ли совуқдан мульча ҳимоя қилади, эрта баҳорда ўсимлик ниҳолларини бир вақтда униб чиқишига мульча ёрдам беради.

Ўсимликда 2-3 та хақиқий барг пайдо бўлгандан ўсимликлар 1-чи марта озиқлантирилади, ўсиш ва ривожланиш даврида 2-чи марта озиқлантирилади. Қатор ораларига 1-2 марта ишлов берилади яъни чопиқ қилинади. Икки маротаба ягона қилинади биринчи маротаба ўсимлик иккита чинбарг чиқарганда 5-7 см га, иккинчи маротаба орадан 2 хафта ўтказиб 10-12 см га қилиб ўсимлик қолдирилади. Экилган майдонларимиз тупроқларида етарли органик ўғитлар бўлганда ва об-ҳаво баҳорда қуруқ келганда 7-8 кунда бир маротаба суғориш тавсия этилади.

Салат ўсимлигини униб чиққандан сўнг 30-35 кун ўтгач истемол қилинади. Бу апрел ойининг иккинчи ва охирги декадаларига тўғри келади. Шу вақтда ҳали ҳеч қайси сабзавотлар очиқ майдонларда истемолга яроқли бўлмайди. Шунинг учун ҳам аҳолини сервитамин сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш жуда катта аҳамиятга эга. Навбатма-навбат барглари терилиб ишлатилади. Қиш олдидан экилган кўкат экинларни тўлалигича ҳосилини апрел ойининг охирларида йиғиштириб олиш мумкин. Салат ўсимлигидан гектаридан 8-10 тоннагача кўк масса ҳосил олиш мумкин. Ўсимликлар май ойида йиғиштирилмасдан қолдирилса ўсимлик гул поя чиқаради ҳамда уруғ ҳосил қилади 1-2 центнер уруғ ҳосил беради.

ISSN: 2582-4686 SJIF 2021-3.261,SJIF 2022-2.889,
2024-6.875 ResearchBib IF: 9.948 / 2024

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-5, ISSUE-8

Хулосалар: Тажрибаларимиз асосида қимматли белгилар бўйича истиқболли салатнинг нав намуналари ажратиб олинган: совуққа чидамлиги бўйича - Рамсес ва Bottner нав намуналари, тезпишарлиги буйича- Рамсес, Bottner, Ostinata нав намуналари. Салат бошини узоқроқ сақланиш муддати бўйича - Grand Rapids, Ostinata, Great Lakes нав намуналари; йирик ва зич салат бошлар бўйича - Grand Rapids, Great Lakes ва Рамсес нав намуналари; сариқ замбуруғли касаллигига чидамлиги бўйича – Lepperman нав наъмунаси ҳамда юқори ҳосилдорлик бўйича - Рамсес , Great Lakes ва Grand Rapids нав намуналари.

Андижон вилояти шароитлари учун салат ўсимлигини қиш олдидан энг яхши ва қулай экиш муддати ноябрнинг оҳири деб аниқланди.

АДАБИЁТЛАР

1. Гиренко М.М., Муханова Ю.И. Цели и методы селекции зеленых и пряновкусовых овощных культур.//Бюл. ВИР.- Вып. 148.- Л.- 1985.- 17-19 с.
2. Каримов А.К. Подзимний сев овощных культур.//Тр. УзНИИОБКиК.- Вып. 4.- Ташкент.- 1965.- 23-37 с.
3. Meejias J.A.Self-fertility and associated flower head traitsin the Iberion taxa of Lactuca and related genera (Asteraceae)//-Plant Systematics and Evolution.- 1994.-191.-3-4.-147-160p.
4. Муханова Ю.И. ,Комаровой Р.А. Методические указания по селекции зеленных, пряно-вкусовых и многолетних овощных культур .// Бюл. ВАСХНИЛ –Вып.Москва – 1987 . 3-10.-15-20.с.